

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ  
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
МИНИСТРЛАР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ**

---

---

**Н.Ерлеспесовга**

**А.Данияровга**

**Ш.Даулетияровга**

**М.Ахмедовага**

**Р.Зарикеевга**

**Д.Қайповга**

**А.Исмаиловга**

**Б.Сапаровга**

**Молия вазирлиги (М.Содиков)га**

**Адлия вазирлиги (С.Мамбеткадыров)га**

**Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлиги (С.Турманов)га**

**Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги  
(Д.Жолдасов)га**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (З.Зиядуллаев)га**

**Савдо-саноат палатаси (Х.Қаипназаров)га**

**Ёшлар ишлари агентлиги**

**ҚР бошқармаси (П.Махсетбаев)га**

**Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги  
(А.Наримбетов)га**

**ҚР Ёзувчилар уюшмаси (К.Каримов)га**

**Маданият вазирлиги (Қ.Турдиев)га**

**Фанлар академияси ҚҚ бўлимига**


**“ҚҚ электртармоқлари” (А.Нурымбетов)га**

**“Худудгаз Қорақалпоғистон” филиали  
(Х.Айманов)га  
Олий таълим муассасалари ректорларига  
(рўйхат бўйича)  
Вазирлик ва идоралар раҳбарларига  
(рўйхат бўйича)  
Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

ЎзР ВМ Раёсати мажлисининг 2023 йил 25 апрелдаги 39-сонли баёни қарори, шу жумладан 6; 7; 18; 19; 23; 30; 34; 43; 44; 45; 46-бандлари ижросини таъминлаш юзасидан уч кун муддатда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқланишини ва бажарилишини таъминлашингизни сўрайман.

**Бажарувчи:** Б.Аймбетов (6; 7; 18; 19; 23; 30; 34-бандлари)  
Б.Заримов (43; 44; 45; 46-бандлари)  
Х.Байжанов

№ 11/64



**Ф.ЭРМАНОВ**  
27.04.2023й.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASI**  
**RAVOSATI MALISINING BAYONI**

20 23 уй « 27 » апрел

№ 39

Toshkent sh.

**Ранслик қилувчи:** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов

**Иштирок этдилар:** Бош вазир ўринбосарлари – А.Ж.Рамагов,  
З.Б.Махкамова

Бош вазир котибияти раҳбари – А.А.Джурбаев  
Бош вазир масолаҳатчиси – Р.В.Абдуқодиров  
Бош вазир котибияти раҳбарининг ўринбосарлари,  
таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва масъул ходимлари  
вазирликлар, илоралар, тижорат банклари, маҳаллий  
хокимликлар раҳбарлари (*руйхати бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Профессонал ва олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда навбатдаги устувор вазифалар тўғрисида**

**2. Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш борсида ХУЛУДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ Тўғрисида**  
(*Арипов, Абдураҳмонов, Турдимов, Зарипов, Кубиев, Мухитдинов, Каримов, Бўржонов, Худайбердиев, Абдуллаев, Шоширмонов, Худайберганиев, Акмеътахсанов, Арипов*)  
**Кун тартибидagi биринчи масала бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номланиб, 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармон билан жорий йилда таълим соҳасида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланди.

Бундан қўзланган асосий мақсад, профессоронал таълим, олий таълим, илм-фан ва инновацион фаолиятга сифатли таълим беришни йўлга қўйган ҳолда ёшларни ягона тизим ва ялпица ёндашув асосида таълим-тарбиясини ташкил этишдан иборат.

Бугунги кунда 704 та профессоронал таълим муассасасида 301 та касб ва мутахассислик бўйича 400 мингта яқин ёшлар таълим олмақда.

Олий таълим муассасалари сони 122 тайдан 210 гага етди, яъни 88 тага кўнайди. Таалабалар сони 700 мингдан 1,2 млн нафарга етди.

Республика олий таълим муассасаларига даъват бўлган параметрлари 140 мингдан 180 мингга етказилди. Хорижий олий таълим муассасалари сони 9 тайдан 30 гага, даъват олий таълим муассасалари 91 тайдан 115 гага етди. 65 та нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Ўтказилган таҳлиллар сўнгги йилларда олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилган самонқин ишлар билан бирга ҳали ўз ечимини қутаётган бир қатор муаммолари масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан: таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий технологиялардан фойдалана оладиган малакали кадрларни тайёрлашга тулик жавоб бермайдди;

профессонал таълим тизимида фаолит кўрсатаётган педагог кадрларнинг малакалари ҳам талаб даражасида эмас;

Хулудий бошқармалар раҳбарларининг масъулиятсизлиги сабабли 7 667 нафар (28 фоиз) ўқитувчилар белгиланган муддат – 3 йилда бир марта малакасини оширмаган;

таълимда тайёрланган ўрта бўғин кадрларнинг ҳамда улдрда тил билмаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги сабабли ички ва ташқи меҳнат бозорида ишлаш имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Натижада ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси охири 3 йилда 25. фоиздан 38. фоизгача ортди. Лекин, сон кўпайгани билан сифат бўйича ҳали қилинмайдиган ишлар жуда кўп.

Юқоридегилердан келиб чиқиб, профессоронал ва олий таълим тизимини янада ривожлантириш, педагогларнинг малакасини ошириш тизимини талаб даражасига етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси қарор қилди:

**1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирли И.Абдураҳмонов, Самарқанд вилояти хокими Э.Турдимов ҳамда Бухоро вилояти хокимини Б.Зариповнинг профессоронал ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда улдрни баргараф этиш тўғрисидаги хисоботлари марълумот учун қабул қилинсин.**

**1. Профессонал таълим йўналишини бўйича:**

**2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдураҳмонов):**

**а) бир ой муддатда Ёшлар ишлари агентлиги (Савдуллаев) билан биргаликда профессоронал таълим муассасалари ўқувчиларини хорижий тилга ўқитиш курслари хараятларини Ёшларга ойд даъват сисъатини қўллаб-қувватлаш жамитармаси маблаглари хисобидан ҳамда профессоронал таълим муассасаларининг боджетдан ташқари маблаглари хисобидан қоллаб бериш амалиётини йўлга қўйсин;**

**б) Ақлия вазирлиги (Ташкулов) билан биргаликда:**

**бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессонал таълим тизимида дуал таълим шаклини ривожлантиришининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойихасини Вазирлар Маҳкамасига киритишни таъминласин;**

✓  
11/69  
87  
8  
13

икки ой муддатда педагоглар томонидан юритилган хужжатларни кискартриш хисобига ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш ташкилати усталирининг шахсий ишлари иш режасига ўзгартиришлар киритиш чорасини кўрсин;

в) Иқтисодий ва молия вазирлиги (Қудобиев) ва Адлия вазирлиги (Тошқулов) билан биргаликда ушбу ой муддатда:

ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

2024-2028 йилларда профессионал таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1) Камбағалликни кискартриш ва бандлик вазирлиги (Мухитдинов), Қўриқчи ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Хидоятлов) билан биргаликда бир ой муддатда профессионал таълим муассасалари ҳузуридаги худудлардаги 13 та Қўриқчи соҳасида малякаши мутахассислари тайёрлаш марказларида касбларга қўшимча равишда хоржий тиллар (немец, инглиз, корей ва бошқалар)ни ўқитиш амалиётини йўлга қўйсин;

д) 2023 йил 1 июнига қадар ёшларни касбга йўналтириш максалдида "Inno" инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида тайёрлаш ва радиолоэктроника йўналишлари бўйича тоифалаш учун ўқув ва амалий курслар ташкил этсин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

дуал таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш учун халқаро молия институтлар маблаглари ҳамда тизимда профессионал таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблаглари хисобидан Германия Федератив Республикасидадан тегишли мутахассисларни жалб этиш чорасини кўрсин;

профессионал таълим муассасалари ўқув жараёнига Германиянинг илгор тажрибаси ва методикалари асосида ўқув дастурларини жорий қилиш чораларини кўрсин;

профессионал таълим тизимидagi педагогик маълумотга эга бўлмаган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш ташкилати усталарини давлат буюртмаси асосида қайта тайёрлашни йўлга қўйсин;

тизимда педагог кадрларнинг фаолиятини мониторинг қилиш ҳамда маляка оширишга бўлган эҳтиёжнани аниқлаш учун рақамли норфолио тизимини яратсин ва ишга туширсин;

таалабаларни ётоқхонага жойлаштириш ишларини тулик рақамлаштириш чораларини кўрсин, бунда Адлия вазирлиги (Тошқулов) ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов) билан биргаликда ётоқхонага онлайн жойлаштириш нисбиятини берувчи давлат хизматларини жорий этишни ташкиллаштирсин;

таълим жараёнини ташкил этиш бўйича тегишли меърий-хизмат бий хужжатларни ишлаб чиқишда республикадаги таълим (базавий) олий таълим муассасалари ҳузурида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича мувофиқлаштирувчи соҳа кенгашлиари фаолиятини йўлга қўйсин;

Мувофиқлаштирувчи соҳа кенгашлиари томонидан белгиланган умумий талаблар асосида намунавий ўқув режа ва фан дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Иқтисодий ва молия вазирлиги (Қудобиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) Самарқанд вилоятидаги таъмирда муҳтож профессионал таълим муассасаларини Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2023 йилга режалаштирилган бюджетининг орттирилган қисми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида таъмирлашни ташкил этсин.

5. Камбағалликни кискартриш ва бандлик вазирлиги (Мусеев): профессионал таълим муассасаларида хоржий тиллар, шу жумладан, немец тилини ўқитиш курслари харажатларини Камбағалликни кискартриш ва бандлик вазирлигининг Бандликка қўмақлаштириш давлат жамғармаси маблаглари хисобидан қоплаш чорасини кўрсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Ташки ишлар вазирлиги (Фозилов) билан биргаликда икки ой муддатда Германия КТМ банкни томонидан Камбағалликни кискартриш ва бандлик вазирлигига ажратилган грантлар хисобидан профессионал таълим муассасалари педагог кадрларини Германияда малякасини ошириш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда 2023-2024 йиллар давомида амалга оширсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) Савдо-саноят палатаси (Вахобов) билан биргаликда икки ой муддатда ўрта бўлин кадрларини тайёрлашда иш берувчиларнинг, биринчи навбатда хуросий сектор талабини ўрнатиш ҳамда таълим муассасаси билан ўзаро интеграцияни таъминлаш механизми бўйича аниқ тақлифлар киритсин.

Савдо-саноят палатаси (Вахобов) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 1 августга қадар профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини тегишли тармок соҳаларида ташкил этиш максалдида Йгона миллий меҳнат тизими ҳамда Савдо-саноят палатаси электрон базасига киритилган ташкилотларнинг таълим муассасаларида бирктирилишини ташкил этсин.

Бунда, мазкур ташкилотларда амалиётни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга тажрибали мутахассислар бириктирилишини таъминласин ва бу бордада довий назорат ўрнатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2023 йил 1 сентябрга қадар маҳаллий бюджет маблаглари хисобидан ҳар бир худудда қандай биттадан намунавий профессионал таълим муассасасини ташкил этиш учун Қўриқчи таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этсин;

маҳаллий бюджетнинг орттириб бақарилган қисмидан профессионал таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича зарур миқдорда маблаглар ажратиб бурсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг худудий бошқармаларини ҳокимликларга тегишли биноларда текин фойдаланиш асосида жойлаштирсин.

**7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Иқтисодиёт ва моллия вазирлиги (Қудобиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:**

Бир ҳафта муддатда 14 та худудда биттадан намунавий профессионал таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

юқори малакали олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, жумладан, талабалар амалиётини самарали ташкил этишда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда худудлардаги иш бевуъчи ташкилотлар билан кооперацияни амалга ошириш чораларини кўрсин.

**8. Иқтисодиёт ва моллия вазирлиги (Қудобиев) республикада фаолият кўрсатаятган олий ва профессионал таълим муассасаларида давлат бюджетдан ажратилган ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш харажатларига руҳсат берсин.**

**9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) бир ой муддатда профессионал таълим тизимида қаминда 5 йил иш стажига эга бўлиб, профессионал таълим муассасаларида ишлаган ўрта махсус маълумотли фуқароларни 2023/2024 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг сиртки таълим шаклига истисно тартиқсида суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш бўйича асосланган тақлифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига киритсин.**

**II. Олий таълим йўналишини бўйича:**

**10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов):**

таълим сифатини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича даст кўрсаткичлар қайд этган, жумладан Тулистон давлат университети, Термиз давлат университети, Тошкент кимё-технология институти, Наманган давлат университети ректорлари фаолияти кўрсаткич деб топилисин. **Бир ой муддатда** ушбу олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тuzсин ва ўрганиш натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

Тизимда олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда барча давлат олий таълим муассасалари раҳбарлари фаолиятини КРІ асосида баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

**11. Кишлоқ ҳужаллиги вазирлиги (Воттов) 2023 йил 1 августга қадар Тошкент давлат аграр университетининг “Экофизиологик тадқиқотлар” илмий лабораториясини туллик ишга туширилишини таъминласин.**

**12. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов):**

олий таълим муассасалари раҳбарларининг академик фаолиятини ошириш мақсадида Улар томонидан ҳафтада қаминда икки марта мазъуза ўқишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

**Бир ой муддатда** ҳар бир муассаса бўйича аниқ хорижий ҳамкорни белгилаб олиб, Европа стандартларига мос равишда жиҳозлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш чорасини ишлаб чиқсин;

намунавий таълим муассасалари бўйича қаминда **бир нафардан** халқаро экспертни жалб этиб, халқаро эксперт тавсиялари асосида таълим жараёнини ташкил этиш чораларини кўрсин;

**Бир ой муддатда** “Олий таълим жараёнларини бошқариш – NEMIS” акборот тизимини “Электрон ҳукумат” тизимидаги ягона иқтисодий химоя реестри, аёллар ва ёшлар дафтарида ҳамда ягона миллий меҳнат тизимида интеграция қилсин, шунингдек тизимни янгилаш ва ўзгартириш киритилишини тартибга солувчи Регламент ишлаб чиқсин;

**Бир ой муддатда** олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини қайта қўриб чиқсин, бунда иқтисодий-маънавий муҳит барқарорлигини мустақкамлаш бўйича алоҳида мавзуларни киритсин ва янги ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилсин;

**Икки ой муддатда** республикада хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларни тақдим этиш ваколатига эга бўлган ташкилот(марказ)лар фаолиятини танқидий таҳлил қилсин ва ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар ва тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

хорижий тилини билиш бўйича сертификатлар тоифасини доимий мониторинг қилиш ва янгилаб борилишини йўлга қўйган ҳолда, талаб даражасида бўлмаган сертификатларни тан олинмаган сертификатлар тоифасидан чиқариллиши чорасини кўрсин;

**2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Бош илмий-методик марказ ҳамда минтақавий ва тармоқ марказларида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув жараёнига янгор хорижий тажрибеларни кенг жорий этсин, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўлма малака ошириш курсларини йўлга қўйсин.

**13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон** маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонида мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинганга қадар, таълим ташкилотларининг давлат акредитациясидан ўтганлик тўғрисидаги сертификат бланкеларини Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги номига мослаштирган ҳолда Марказий банкнинг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида чоп этишга, давлат акредитациясидан ўтказилган таълим ташкилотларига вазирлик номидан тақдим этишга руҳсат берилсин.

14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан, шунингдек, давлат олий таълим муассасаларига уларнинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан халқаро эътироф этилган рейтинг ташкилотлари билан олий таълим муассасасини халқаро рейтингларга киритиш бўйича зарур чорадар кўриш вазифаси юклатилган.

15. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) бир ҳафта муддатда 2022/2023 ўқув йилида таълим муассасалари талабалари учун тулов-контрактни туланишнинг сўнгги муддатини узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат комиссиясига таклиф киритсин.

16. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов):

2023 йил 1 майга қадар 2023/2024 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига ўқишга киришга ўтказиладиган тест топшириқлари сони, баҳолаш мезонлари ва жавоблар варақаси намунасини тасдиқласин ва эълон қилинишини таъминласин;

Олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларида мос келувчи имтиҳон фанлари мажмуаси билан бир каторда тест топшириқлари сони, баҳолаш мезонлари ва жавоблар варақаси намунасини ҳар йили тасдиқлаб борсин ҳамда кириш имтиҳонлари бошланишидан камда 6 ой олдин эълон қилинишини таъминласин.

17. Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиҳонга эга бўлган абитуриентларнинг респондент шакллантириш учун масъул бўлган ваколатли органлар ўзлари масъул бўлган имтиҳонлар бўйича имтиҳонга эга абитуриентлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон респондент Ўқим ва маълумотларни баҳолаш агентлигининг махсус платформасига 2023 йил 1 июнга қадар тўлиқ киритилишини таъминласин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2023 йил 1 июнга қадар республика таълим ташкилотларида 2023/2024 ўқув йилида ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиладиган катта ситимли биноларни реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жиҳозлаш учун буюмлар (стол-стуллар, биноларни совитиш воситалари ва бошқалар)ни белгиланган тартибда харидларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет даромадларининг режадан ортиқиб бажарилган қисми ҳисобдан қоплансин.

III. Илим-фан ва инновациялар йўналишини бўйича:

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

Инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш бўйича ўтказилган баҳорги Форумда ташаббускорлар ва ҳокимликлар ўртасида расмийлаштирилган лойиҳаларни маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобига молилаштиришни ва натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ақборот киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармонида мувофиқ илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан молилаштириш чорасини кўрсин.

20. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) бир ой муддатда Олий аттестация комиссияси (Осулов), Инновацион ривожланиш агентлиги (Тўйчиев) билан биргаликда:

ўч кун муддатда 2023 йилга мўлжалланган халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар рўйхатини тасдиқласин;

икки ой муддатда докторантура ва мустақил изланувчилик институти натижадорлигини ошириш, диссертациялар ҳимояси ва аттестация тизимини мақбуллаштириш ҳамда Олий аттестация комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий даражали кадрлар тайёрлашнинг яхши тизимини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

21. Фанлар академияси (Олдарев), Инновацион ривожланиш агентлиги (Тўйчиев) икки ой муддатда республикадаги илмий таълим ва олий таълим муассасаларидаги барча илмий лаборатория асбоб-ускуналари ағна базасини яратиш чорасини кўрсин.

22. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов): битирувчиларни иш билан таъминлаш тизимини баҳолаш учун миқдор ва сифатга оид мажмуавий тадқиқотлар методологиясини ишлаб чиқиш ва олий таълим тизимини баҳолашда миқдор ва сифатга оид мажмуавий тадқиқотлар методологиясини ишлаб чиқиш;

катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш бўйича "Big Data" миллий лабораторияси салоҳиятидан фойдаланган ҳолда бютирбюет йўналишидаги тадқиқотларни кўп омилли статистик таҳлил қилиш ва моделлаштириш учун дастурий махсулот яратиш;

Тошкент шаҳар жамоат транспортининг давлат бюджетига юктамасини қисқартриш, автобус транспорт воситалари сонини кўпайтириш ва апроф-муҳитга зарари таъсирини қамайтиришга қаратилган тематик мавзулардаги мақалди амалий лойиҳаларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

IV. Таъбагалар турар жойлари масалаларни бўйича:

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда тизимда давлат олий таълим муассасаси бўлган вазирлар ва идораларнинг сўровномасига асосан таъбагалар турар жойларини кўриш учун олий таълим муассасасига яқин жойлардан ер майдонлари ажратиш ишларини якунига етказсин.

24. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзаков), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Бузрукхонов) бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасалари рақобатлари билан биргаликда таъбагалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этиш масаласини муҳокама қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

25. Бухоро вилоят ҳокимлиги (Зарипов) бир ой муддатда давлат хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларга тadbиркорлик субъектларини жалб этиш орқали 2 та талабалар турар жойини қуриш ишларини бошласин.

26. Иқтисодий ва молия вазирлиги (Қаримов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Вузруқхонов) билан биргаликда:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этилаётган 2022 йилдан ўтувчи объектларни 2023 йил давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблаглар ҳисобидан молиялаштирсин;

ҳар чорак якуни билан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тенд ушулларда тadbиркорлик субъектлари ва давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан барпо этилган ҳамда фойдаланишга топширилган талабалар турар жойларини сақлаш харajatларининг 50 фоизини Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига мувофиқ давлат бюджетидан қоллаб берсин;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талабалар турар жойларини барпо этиш учун 2023 йил давлат бюджетидан ажратилган маблагларга асосланган ҳисоб китобларга мувофиқ қўшимча маблаг жалб этиш чораларини кўрсин.

27. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг:

вазирлигининг Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларига вазирлик тизимидати тегишли ташкилотларни жойлаштирсин;

вазирлигининг Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифонур кўчаси, 75-уй ҳамда Олмазор тумани, 3-й кўча, 76-уй манзилида жойлашган биналарда талабалар турар жойларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

28. Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) вазирлик ва идораларнинг фойдаланилмаганд турган ётоқхона ва бошқа биналарнинг ётоқхона биналарини ташкил этиши учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли олий таълим муассасаларига топширсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот киритсин.

29. Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)га Тошкент ахборот технологиялар университетига талабалари учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий ётоқхона биналарини барпо этиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга оширишда етарли иш ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзаков) ўн беш кун муддатда Тошкент ахборот технологиялар университетининг ётоқхоналарини янгидан қуриш мўъжалланган ҳудуддаги биналарни бузиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзаков) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ётоқхона биналарини барпо этиш ишларини 2023 йил 20 августга яқинлаш чорасини кўрсин.

30. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) Иқтисодий ва молия вазирлиги (Қудобиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда Вазирлар

Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига мувофиқ ҳудудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонлари маъзилли рўйхатини тасдиқлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига келиштирилган тақлифни киритсин.

У. Мавнавийт ва ёшлар масаласи бўйича:

31. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) икки ой муддатда вазирлик ҳузуридаги Талаба ва ўқувчиларни маънавий юксалишига қўмақлаштириш маркази фаолиятини тубдан тақомиллаштириш бўйича асосланган тақлифларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

алоқли ёшлар ва мутафаккирларимизнинг ижодий ва маданий меросларини ёшлар ўрасида тартиб қилиш ҳамда Адиблар ҳаёбонидан самарали фойдаланиш мақсадида барча олий ва профессоронал таълим муассасалари талаба-ўқувчи ёшларининг туристик таширларини ташкил этиш;

талаба ва ўқувчиларнинг маънавий юксалишига қўмақлаштириш марказида олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган тьоторларнинг мунтазам равишда маънасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, ёшлар масалалари бўйича декан ўринбоасари ва тьоторларнинг ил фаолиятини баҳолаш (ҚР) механизмини, касбий даража бериш тартибини ҳамда уни доимий мониторинг қилиб бориш бўйича электрон платформани ишлаб чиқилиш иноватта олинсин.

32. Ёшлар ишлари агентлиги (Сабдуллаев), маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ёшларни касбга йўналтириш учун маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва ҳоким ёрдамчиларини жалб этган ҳолда ота-оналар ва ёшлар ўрасида тушунтириш ишларини олиб борин ҳамда касблар ҳозирдорлигини ошириш чораларини кўрсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган Миллий музей фонди таркибига киритилган музей алёйлари ва музей коллекцияларини хириб кўриш тартиби ва шартлари тўғрисида низомига мувофиқ ҳар йилнинг 2-8 сентябрь кунлари ўтказиладиган “Музейлар ҳафталиги” доирасида ҳамда ҳар ойнинг биринчи якшанбаси “очик эшиклар кўни” доирасида аҳоли, ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар (ёки уларнинг ўзини бооувчи шахслар) давлат музейларида бевули киритилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

34. Мақтабгача ва мактаб таълимни вазирлиги (Умаров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назрбеков) Ёшлар ишлари агентлиги (Сабдуллаев) Ёзувчилар уюлмаси (Сайидов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўсаб келатган ёш авлодини она Ватанга мухаббат, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

бир ҳафта муддатда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков) Ёшлар ишлари агентлиги (Сабдуллаев) Ёзувчилар уюшмаси (Сайидов) мактаблар, меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари, ўқув-тарбия муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчиларини музейлар, хибонлар ва бошқа маданият объектларига;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков) Ёшлар ишлари агентлиги (Сабдуллаев) Ёзувчилар уюшмаси (Сайидов) лицейлар, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларини музейлар, хибонлар ва бошқа маданий объектларга 2022/2023 ўқув йили якунигача таширф буюришлари юзасидан жорий йилнинг 30 апрелига қадар режа-жадвалларни тасдиқлаб, ижросини таъминласин ва ижроси юзасидан жорий йилнинг 1 июлига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

Мазкур режа-жадвалларни ҳар йили август ойида кейинги ўқув йили учун тасдиқлаб бориш амалиёти жорий қилинсин.

Бунда:

музейлар ва хибонларга таширф умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун белгил;

лицейлар, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларини музейлар, хибонлар ва бошқа маданий объектларга таширф олиш, ўрта махсус ва профессионал таълим таъкилотлари ўқувчи-талабалари учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тегишли таълим таъкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, жамғармалар маблағлари ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўқувчи-талабаларнинг давлат музейлари ва хибонларга олиб бориш ва экскурсияларни ташкил этиш мақсадида пул маблағлари йнгиш катъини таъкиқланди.

35. Ўзбекистон Президентини Администрациясининг ўқувчи-талабаларни театрларга таширфларини амалга ошириш, уларни театр санъатидан кенроқ баҳраманд этиш бўйича 2023 йил 22 апрелдаги №02-РА/2/1-1027-сон топшириғига мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков), Қасеба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (Рафқов) театрларга тасдиқланган режа-трафакка мувофиқ ўқувчи, талаба ва ишчи ходимларни тегишли равишдан Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа ҳомийлар маблағлари ҳисобидан театрларга белгил таширфини ташкил этиш чораларини кўрсин.

36. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова), Ёзувчилар уюшмаси (Сайидов) билан биргаликда мактаблар, меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари, ўқув-тарбия муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари, лицейлар, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларини эл танитган

адилбарамияз ҳаёти ва ижодидан хабардор қилиш мақсадида Анблар хибониди маънавият дарслари, турли мушоралар ташкил этсин.

37. Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков) Ёзувчилар уюшмаси (Сайидов) мактаблар, меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари, ўқув-тарбия муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари, лицейлар, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларини музей, театр, хибонлар ва бошқа маданий объектларига дарс ўтишларини ташкил этишда таширф буюрувчилар сони, ёши ва таҳсил олиш соҳасини инобатга олган ҳолда маълумот бериш ва тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида мадлагали ходимларни бириктирсин.

38. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Миллий гвардия (Джуроев) Фавкулотда вазирлар вазирлиги (Қулдошев), Транспор вазирлиги (Махкамов) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Умарова) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) Маданият ва туризм вазирлиги (Назарбеков) билан биргаликда мактаблар, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб интернатлари, ўқув-тарбия муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари, лицейлар, профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларини музей, театр, хибонлар ва бошқа маданият объектларида дарс ўтишларини ташкил этишда йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоват тартибини сақлаш ва фавкулотда ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўрсин.

39. Марказий банк (Сайдуллаев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда VillageEDU ахборот тизимини “Алоқабанк” АТБ ягона ҳисоб орқали қабул қилиш ва уларни тақсимлаш имкониятини яратиш чораларини кўрсин. Бунда, тўловларни уч банк иш куни давомида олиётхларнинг ғазна ҳисобваракларига ўтказилиши таъминлансин.

40. Иқтисодиёт ва моллия вазирлиги (Сулдобев) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) 2023/2024 ўқув йили қабулнинг барвақт тайёрлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023/2024 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқитиш қабул қилишнинг давлат буюртмаси нарамелдрлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

41. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурага:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Утган Утгена туманидаги собиқ қурилиш ва коммунал хўжалик коллежига халқаро моллия институтлари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан берилган ўқув-лаборатория жиҳозларининг сақланиш ҳолатини ўрганиш;

профессионал таълим муассасалари ер майдонлари, мавжуд биноларни ва иншоотларини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 122-Ф-сон фармойиши талабларига зид ҳолда бошқа шаклларга берилиши устидан назорат ўрнатилш ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича қонунчиликка мувофиқ зарур чоралар кўриш тавсия этилсин.



Кун тартибидagi иккинчи масала буйича.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ШК-57-сон қарори ижросини сўзсиз таъминлаш буйича ҳудудларда ишларни самарали йўлга қўйиш ва 2023 йилда қуёш панеллари ва суь иситкичларни ўрнатиш, қозонхоналарни қўйирга ўтказиш, энергия ресурсларини иқтисод қилиш прогностларининг ижросини сўзсиз таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш борасида амалга оширилётган ишларни жадаллаштириш буйича иловата муровофик масбул раҳбарлар бириктирилсин.

43. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ранси ҳамда вилоятлар ҳокимлигарида ҳудудларга бириктирилган масбул раҳбарлар билан биргалликда:

2023 йил 25 апрелга қадар ҳар бир вилоятнинг 2022 йилда электр энергияси ва табиий газ ресурслари асосида истеъмолчилар кесимида юзата қилиниши мумкин бўлган тақчилликни аниқлаш;

жорий йил 1 майга қадар 2023 йилда прогност қилинётган электр энергияси ва табиий газ ресурслари асосида истеъмолчилар кесимида юзата қилиниши мумкин бўлган тақчилликни аниқлаш;

жорий йил 5 майга қадар истеъмолчилар кесимида қуёш панеллари, суь иситкичларни ўрнатиш, энергия тежамкор қурилмалар ва жиҳозларни ўрнатиш, ресурсларни иқтисод қилиш буйича комплекс дастури ишлаб чиқиш ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилиб тасдиқлаш ҳамда уни амалга ошириш вазифалари юқлансин.

44. Ҳар бир ҳудудда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган масбул раҳбарлар болчилигида илчи гуруҳларни ташкил қилган ҳолда қуйидаги ишлар амалга оширилсин:

истеъмолчиларда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрнатиш, қуёш панеллари ва суь иситкичларни ўрнатишни жадаллаштириш;

қуёш панеллари ва суь иситкичлар ҳақиқатда ўрнатилганини назорат қилиш ва ёнғон маълумотларни тақдим этиш ҳолатларини аниқлаб, масбулнингиз раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўриш буйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини қўриш ва алоҳида ҳолатлар буйича тегишли масбулларга нисбатан чоралар қўриш, қўшимча зарур механизмларни жорий этиш буйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.

45. Бириктирилган ҳар бир масбул раҳбарлар ҳудудларга чиққан ҳолда ишларни жадаллаштириш чораларини қўриш ҳамда мазкур топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга барча мутасадди ташкилотларни жалб қилиш.

Амалга оширилган ишлар натижалари буйича бириктирилган ҳудуд буйича ҳисоботни 2023 йил 6 майга қадар Энергетика вазирлигига киритсин.

46. Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов):

жорий йилнинг 10 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган масбул раҳбарлар билан биргалликда ҳар бир ҳудуд буйича амалий ишлар натижадорлиги юзасидан киритилган маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддада маҳаллий ҳокимликлар ва тадбиркорлик субъектлари билан биргалликда ҳудудлар кесимида автомобильларга газ тўлдиритиш компрессор шохобчаларини ишлаш қувватларини агрофнча таҳлил қилган ҳолда ҳамда ҳудудларда бензин ёқилгисига бўлган ортнб бораётган талабни инобатга олиб, ушбу шохобчаларни бензин ёқилгисига қайта иқтисослаштириш буйича манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминлансин.

47. Ушбу баённинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда тегишлилиги буйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю.Абдурахмонов ва Энергетика вазири Ж.Т.Мирзамахмудов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири



А. Арпиев

**Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш  
ва қайта тикланувчи энергия манбаъларини жорий қилиш борасида  
амалга оширилган ишларни жадаллаштириш бўйича ҳар бир ҳудудда  
бириктирилган масъуллар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудудлар	Бириктирилган масъуллар	Иш жойи ва лавозими
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Ж. Мирзамаҳмудов	энергетика вазир
2.	Андижон вилояти	Д. Собиржонов	Бош прокуратура бошқарма бошлиғи
3.	Бухоро вилояти	А. Жуманазаров	энергетика вазирининг ўринбосари
4.	Жиззах вилояти	Л. Жалолов	Бош прокуратура бошқарма бошлиғи
5.	Қашқадарё вилояти	А. Султанов	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси
6.	Навоний вилояти	Г. Фозилов	Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари
7.	Наманган вилояти	Ф. Саломов	Вазирлар Махкамасининг масъул ходими;
8.	Самарқанд вилояти	А. Исаков	“Ўзэнергоинспекция” бошлиғи ўринбосари;
		Ф. Ташпулатов	Вазирлар Махкамасида жалб қилинган масъул ходим;
		Ф. Каримжонов	“ЎЗМЭГ” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари
9.	Сурхондарё вилояти	Б. Курбонов	Бош прокуратура бошқарма бошлиғи
10.	Сирдарё вилояти	Ш. Ходжаев	Энергетика вазирлиги хузуридаги Лойиҳа офиси директори
11.	Тошкент вилояти	Т. Рапиков	Вазирлар Махкамасининг Ҳудудларда амалга оширилган ишларнинг натيجадорлигини тахлилий қилиш бўлими бошлиғи

12. Фарғона вилояти А. Аҳмедхаджаев  
энергетика вазирининг  
биринчи ўринбосари
13. Хоразм вилояти Р. Куранбаев  
Бош прокуратура бошқарма  
бошлиғи ўринбосари
14. Тошкент шаҳри Ш. Абидов  
Вазирлар Махкамасининг  
Тахлилий материалларни  
тайёрлаш хизмати бошлиғи  
“Ўзэнергоинспекция”  
бошлиғи

*Илоҳ: Ҳудудларга бириктирилган масъуллар рўйхатида тегишли вазирлик ва идораларнинг  
масъул ходимлари қуйидаги қарилган ва тегишли ишларга жааб қилиниши мумкин.*

